



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 148 (8638).

4 август, 1985 йил

ЯҚШАНБА

Баҳоси 3 тийин.



ХИ-МОСКВА 1985

Москва саккиз кун мобайлида ёшлик каби жарангдор бўлган фестивал деб аталган байрам билан яшайди. Жаҳон ана шу улғувор байрам пойтахтида бўлиб ўтган ҳамма нарсани — унинг мунозаралари ва учрашувлари, митинглари ва намойишларини саккиз кун мобайлида кузатиб турди. Жаҳон бунини билиши мўжиза эди. Чунки унинг эртанги кунини, келгуси аср тисмоли бўлган кишилар Москвага йиғилган диллар. Бинобарин, ёшлар анжумани иссониятга бардамлик ва келажакка ишонч кучини бахш этди. Бу анжуман ёш авлод бирдмаллигининг, у социал адолат ва чинакам эркинлик учун, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун курашишга азму қарор берганлигининг тўқиндантирувчи намойишига айланди.

Мана, фестивал календарининг сўнгги саҳифаси ҳам ағдарилиди.

Москва 3 август кунини фестивал билан хайрлашди.

ДЎСТЛИКНИНГ СЎНМАС МАШЪАЛИ

Ёшлар ва студентлар XII Жаҳон фестивалининг тантанали ёпилиши

В. И. Ленин номидаги Марказий стадион минбарлари ана одамлар билан лиқ бўлди. Баланд кўтарилган бронза жомда фестивалнинг ёшлар шиоати каби қайноқ, уларнинг ўй-фикрлари каби соф оловни ловулаб турибди. Планета ёшларининг фестивал ҳаракати бутун тарихидида энг катта учрашув, халқаро ёшлар йилининг энг салмоқли тадбири унинг нури билан ёриштириб турибди.

Стадионнинг марказий логосида В. И. Воронников, В. В. Гришин, Е. К. Лигаев, Н. И. Рижков, В. М. Чебриков, Э. А. Шевардадзе, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, В. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, Л. Н. Зайков, В. П. Никитин, К. В. Русаков ўртоқлар бор эди. Тўғланганлар уларини давомли қарсақлар билан кутиб олади.

Соат 21.00 микрофон қаршидан Халқаро тайёрлик комитети доимий комиссиясининг секретарь-координатори Жан-Клод Кеннеди ўрин олади.

Фестивал делегатлари жаҳон ёшлари ва студентларига мурожаатнома қабул қилиб, унда сиёсий, фалсафий ва диний эътиқодларидан қатъий назар, бар

ча мамлакатлардаги ёшлар милитаризм ва агрессия кучларини тўхтатиш, кучгайратилган бирлаштириб, ҳалокатнинг олдини олиш, Ер юзиде ядровий ва оддий қуролларнинг пойғасига чек қўйиш ҳамда бу пойғанинг космик фазога кўчирилишига йўл қўймаслик, оммавий қирғин қуролларининг ядровий ва бошқа турларини ёппасига тақиқлаш ва тугатишга эришиш учун барча ишларни қилишга даъват этилади.

Биз XII Жаҳон фестивали пойтахтида ўзимиз билан бирга совет кишиларининг самимий ҳайрихолиги, бирдмаллиги ва дўстлиги тўғрисида энг аjoyиб хотираларни олиб кетамиз, дейишни делегатлар.

Ўз савгани жихатидан бениҳоя кенг бўлган XII Жаҳон ёшлар ва студентлар фестивали, деб татқиқланади ҳужжатда, турли сиёсий қарашларга эга бўлган бутун дунё ёшларининг мулоқотлари ва айрибошланганлиги ривожланган тарихда ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик янги муносабатлари йўлида тинчлик, қуролсизланиш, озоодлик ва адолат учун биргаликда курашиш

га бўлган интилишларини намойиш қилди.

Стадион бўйлаб янграган қарсақлар планета ёшларининг манифестини мухрлаган коллектив имзодек бўлди.

Кремль курантларининг бонги Лужники узра тантанавор янгради. Унда тарих сардоси аштитилмоқда. Бундан буён ёшлар ва студентларнинг жаҳон учрашуви ҳам шу тарихнинг бир зарраси бўлиб қолади. Шарий минбарнинг бадийи фониде анжуман эмблемаси — ўртада оппоқ кабутари — ўртада беш рангли мойичека очилади. «Москва фестивали тўғрисида» марш садолари остида байроқдорларнинг бир текис колонналари майдонга кириб келади. Оҳангта мос равишда бадийи фон экраниде ранг-баранг бўёқлар титраб, мавжланиб туради. Уларнинг ўйини шу қадар ғаройибки, гўё камаланинг ўзи байрам либосини кийиб, кўзуга қараётгандек. Унинг нури майдонга тушгандек бўлди: яшил саҳнага югуриб чиққан спортчи қизлар томошбинларини ритмик гимнастиканинг намуналаридарсига тақлиф қилдилар.

Фестивал бизга гузаллиги

жихатидан аjoyиб томошани совға қилди.

Стадионда чироқлар хиралаштирилади, фон экраниде эса майдонга зилот сув оқиб тушаётгандек туюлади.

Сониқин итра Чайковскийнинг «Оқуш қўли» балетидеги мафтунок куйлар аштитила бошлайди. Мана энди бутун майдон гўё шамолда жимирлаб турган кўлга айлангандек бўлади.

— рақсга тушаётган қизлар нафис зангори шарфлар билан ўйнамоқдалар. Гўё жоянланган эртандек, оппоқ қордек қўшлар сузиб чиқилади. Қоронғида прожектор нури ёришиб турган бу оқушлар нур ва музикадан яратилгандек туюлади. Большой театрининг машхур балет труппаси майдонга чиққан. Шу лаҳзада биз «Большой театр» деган оддий сўзларнинг маъмунини кутилмаганда эсга оламиз. Дарҳақиқат, Большой — гоёт катта. Кумуш ранг нур сочилиб турган бешта майдончада беш нафар қиз — Оқуш, беш Одетта. Большой театрининг беш юлдузи турибди. Атрофда эса афсонавий гузал Оқуш кўли мавжланиб, ўзининг сирли ҳаёти билан яшамондаки, бунини бирорта ҳам театр саҳнасида гавдалан

К П С С
Х Х У И
с з е з г и н и
м у н о с и б
к у м и б
о л а й л и к

ОЧИҚ КОСМОСДА МОНТАЖ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИДАН РЕПОРТАЖ

В. Жоников билан В. Савинин оқч космосга чиққанликлари туфайли «Салют-7» станциясининг сўнгги, учинчи кўш батареясига қўшимча панеллар ўрнатилди. Улар 1983 йилнинг ноябрида В. Ляхов билан А. Александров бошлаган ва ўтган йил май ойида Л. Кизим билан В. Соловьев давом эттирган монтаж ишларини муваффақиятли тугатдилар. Энди станциянинг уччала кўш батареяси қўшимча секция комплекслари билан таъминланган бўлиб, киши бошқаришдан комплекснинг тугаш электр таъминот системасига уланган.

«Помирлар» бутун фестивал давомида очик космосга чиқиш учун тайёрлаган ишлари билан банд бўлидилар. Улар аввало «Прогресс-24» юк кемаси станцияга келтирган қўшимча панеллар билан бўлган контейнерларни диққат билан кўздан кечирдилар. Шундан кейин Совет ва Франция олимлари яратган ҳамда станциянинг ташиқ юзига ўрнатилган ағалар илмий аппаратлар ҳолатини синчиқлаб текшириб чиқдилар. «Космос-1986» транспорт кемаси орбитага келтирган иккита янги скафандр гоёт ахтётиб қилинди. Бу скафандрларнинг конструкциса аввалларига нисбатан анча ахшланган, уни кийган кишининг ҳаракат қилиши осон, шлемфонтлариде маҳкамланган фонтлар соғла ўтаётганда скафандрларнинг ишчи бошларини пулларидеги приборлар ималилари кўрсатётганлигини кузатиб туришга эрдм беради. Пулларнинг ўзи ҳам янги, анча тақомиллаштирилган. 30 юл кунини оқч фазога чиқиш узил-кесил репетицияси бўлиб ўтди ва шу машларнинг натижаларига кўра «Помир»ларга иш бошлаш учун ердан рухсат берилди.

2 август кунини комплекс занжубий Атлантика устида турганида В. Жоников: — Туйнукини очдик! Кайфиятимиз дурус. Скафандрлардаги босим ҳам жойида. Олга боришга рухсат берсангиз, — деб хабар берди. «Союз Т-13»-ин мўлжал

олдириш системаси ёрдами билан ҳозир комплекс узала ўқи муттасил Ер марказига йўналдирилган қилиб бурилган. Бу иш космонавтар ишлаши лозим бўлган монтаж майдонини мўжиза қадар серофтоб бўлиши учун қилинган.

Туйнукада биринчи бўлиб бортинженер пайдо бўлди. Шу пайт телевизион алоқа сеанси бошланади ва Виктор Савининки зангори планета фониде кўрамиз.

Космонавтар скафандрлардаги температура, ўз кайфиятлари тўғрисида хабар қилидилар.

— Шу параметрларнинг ҳаммасини телеметрия орқали назорат этиб турибмиз, — деб маълум қилади уларга учини рақобари В. Рюмин. — Хуллас, чақимасдан ишлайверим.

Контейнер бебедиса ишлайдиган ҳолатда ўрнатилган. Бортинженер кўш батареясини монтаж қилишга биргаликда кириша бошлаш учун В. Жоников етиб келишини кутмоқда. Чор атрофга қараб олиш учун бироз фурсат бор.

В. Савининнинг завқланган овози аштитилди:

— Гузалликин қаранг-а!


Хозир остимизда Каспий.

Командир ўртоғига китейнерини ўзатида. Сўнгра ўзи иш жойига келади.


«Помирлар» космик скафандрларнинг конструкторларига миннатдорчилик билдиришни сўрайдилар. — Жуда яхши форжона, унда ишлаш қулай. Фонтлар ҳам кўзга келди. — Ерининг сои томониде ҳам ишлашга имкон беради. Оёқлар эса худди пийма кийиб олгандек иссиқ. Хуллас, катта раҳмат!

Совет космонавтарнинг «Салют-7» орбитал станциясидан навбатдаги чиқиш ҳаммаси бўлиб 5 соат давом этди. В. Жоников билан В. Савинин ўртоқлардан эстафетани қабул қилиб олиб, космонавтарнинг меҳнат йилдомасига дадил кўл билан ана бир сатр ёздилар.

УЧИШНИ БОШҚАРИШ
МАРКАЗИ
В. ОВЧАРОВ,
ТАСС мухбири.



МОСКВА. Ёшлар ва студентлар XII Жаҳон фестивалининг тантанали ёпилиши.



ТАСС фотоси.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА — ПАРТИЯ ҒАМХЎРЛИГИ

3 августда Тошкентда область партия-ҳўжалик активини йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, шаҳар ва район комсомол комитетларининг секретарлари, совет ва касаб союзи ходимлари, маданият, физкультура ва спорт муассасалари ходимлари, матбуот, радио ва телевидение вакиллари қатнашдилар.

«КПСС Марказий Комитетининг клуб

муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари» ҳақида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Ангрен шаҳар партия комитетининг секретари З. А. Ермолина, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиқда чидамли металллар комбинати директори П. С. Мақсудов, Тошкент тўқимачилик комбинати 2-тў

қув фабрикасининг тўқувчиси М. Хожиматова, Бекobod район ижроия комитетининг раиси Х. Пармисафова, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси касаб союзи комитетининг раиси Г. В. Шевелова, Умон Юсупов номидаги ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Ж. Х. Хоназаров, «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Индира Ганди номидаги маданият саройи директори Г. В. Сакевич, Ғалаба районидеги Г. Димитров номи колхоз раисининг ма

даният-маиший ишлар бўйича ўринбосари В. И. Шегай, область маданият бошқармаси бошлиғи В. А. Емцовлар қатнашдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан резолюция қабул қилинди.

Йиғилишда Тошкент область партия комитети бюроси аъзолари ва аъзолик-ка кандидатлари иштирок этдилар.

Актив йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлими мудири С. Қ. Қўрбонов қатнашди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «КЛУБ МУАССАСАЛАРИ ВА СПОРТ ИНШОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўртоқ Т. А. АЛИМОВ доклади

ХАЛҚ фаровонлигини тўхтовсиз оширишни партия ўз фаолиятининг одий мақсади деб билади. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрел ва июль Пленумлари қарорларида мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини анча тезлаштириш юзасидан белгиланган тадбирлар оқибат натижада совет кишини ҳаётининг ҳамма томонларини яхшилашга, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини бир мунча тўғралоқ қондиришга эришишга имкон беради.

Олдимизда турган жиддий ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ М. С. Горбачев Ленинград область партия ташкилотини олдиде сўзлаган нутқиде таъкидлагандек, барча ижодий кучларни тўла сафарбар этиш, ишнинг янги ҳиссага олиб бора билиш керак. Экономика соҳасида эмас, социал, маданият, идеология, қисқаси ҳамма соҳа

ларда ишнинг янги ҳиссага ташиқил этиш керак.

Бу жихатдан КПСС Марказий Комитети қийнда қабул қилган «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори катта аҳамиятга эга. Бу қарор партиянинг совет кишини, унинг жисмоний ва маънавий қиёфасини уйғун тарзда камол топтириш тўғрисидаги доимий ғамхўрлигининг ишончли далилидир. Бу жуда муҳим ҳужжат партия, совет, касаб союзи ва комсомол ташкилотлари учун маданият-оммавий ва физкультура-соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш учун кенг ҳаракат программаси ҳисобланади.

Яқинда бўлган республика партия активининг йиғилишида Ўртоқ И. В. Смонхў

жаев қилган чуқур мазмунли докладда аҳолини коммунист руҳда тарбиялаш учун маданият муассасалари ва спорт базаларидан самарали фойдаланишга талабчанлик билан ҳар томонлама баҳо берилди, идеологиянинг фаолиятининг бу муҳим участкасидаги жиддий нуқсонлар ҳамда ишнинг яхшилангани катта резервлари очиб ташланди.

Шу нарсга таъкидландики, клуб муассасалари ва спорт иншоотлари одамлар билан сиёсий-тарбиявий иш олиб боришда бошланғич партия ташкилотларининг таъин пунктлари бўлиши керак, уларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини оширишга, ҳамма ерда совет турмуш тарзини, коммунист ахлоқ нормаларини қарор топтиришга ҳар томонлама ёрдам бериши керак.

Кўрилаган масалалар бизнинг пойтахт областимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Илимий-ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучлари ресурсларининг юксак даражада тўлганлиги, ишлаб чиқариш кучлари ўсишининг динамикини, ишлаб чиқариш муносабатларининг тақомиллашиб бораётганлиги аҳоли ҳамма табақаларининг, унинг барча депографик ва социал гуруҳларининг маънавий ҳаёти янада бойиши, жисмоний ривожланишини ниҳоят даражада зарур қилиб қўяди.

Област партия, совет, касаб союзи ва комсомол ташкилотлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларини бажара бориб, клуб муассасалари ва спорт иншоотлари тармоғини кенгайтириш, улар

ишини яхшилаш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширилди.

Кейинги йилларда асосан маблагларни кооперациялаш йўли билан Бўқада, Бекobod районидеги Ленин номи колхозда, Ғазалкентда маданият уйлари, Ғалаба, Пискент, Коммунист колхозиде стадионлар, Ангрен шаҳрида сузиш комплекси қурилиди, Янгиёул районидеги У. Юсупов номи агросаноат бирлашмаси меҳнатчилари маданият саройлари ва стадионга эга бўлиди.

Кутубхоналарни марказлаштириш, маданият ва истироҳат болалар фазолигини яхшилаш ишлари тугалланмоқда. Област шаҳар ва районларда оммавий-маданият-маърифий ва спорт тадбирлари тобора кенг

ейилмоқда. Фестиваллар ва халқ индорлиги, бадий хаваскорлик кўрсилари, меҳнат, маданият ва спорт эстафеталари, саломатлик спартакиадалари ва бошқалар ана шундай оммавий тадбирлардир.

У. Юсупов номидаги агросаноат бирлашмаси маъмурияти, партия ва жамоат ташкилотлари физкультура ва спортни чинакамга қадрлайдилар ва севдилар, ўз меҳнатчиларининг маданият дам олиши ҳақида доимий ғамхўрлик қилидилар. Маданият саройи, стадион ва спорт заллари, кўп сонли спорт майдончалари ҳеч қачон ҳувиллаб турганини кўрмайсиз. Бирлашманин хар уч ходимидан бири 13 та спорт секциясининг бирида физкультура ва спорт билан актив равишда шуғулланишга жалб қилинган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Тошкент шаҳар аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан таъминлашни тугдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда таъкидланганики, сўнгги йилларда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, мева-сабзавот ҳўжаликлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар Тошкентда картошка, сабзавот, қовун-тарвуз, мева ва узум истеъмол қилиниши янада кўпайтиришни таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга ана шу муҳим соҳада ишларнинг аҳоли КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларга ҳали тўла жавоб бермайдилар.

Тошкент областидеги қўшма колхоз ва совхозларда мева-сабзавотчилик ва картошкачиликни ҳўжалик ичиде ихтисослаштириш тугалланган эмас, бу эса алмашлар экниши ўзлаштиришга, комплекс механизацияни жорий этишга тўққилик қилимоқда. Техноложиядаги камчиликлар натижада колхоз ва совхозлардаги картошка, сабзавот-поллиз экнилари, мева ва узумдан кам ҳосил олиномоқда.

Гектарчилик фактлари ҳамма жойда ҳам тугатилган эмас. Унинг оқибатида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашда, бригада пудратини жорий этишда жиддий камчиликлар давом этмоқда. Областда сабзавот экинларини турлари бўйича ва белгиланган вақтларда экниш планлари бажарилмай қолмоқда. Молдин, помидор, сабз, сабзавот ва резавор мева-савот кам тарқалган турлари лозим бўлган миқдорда етиштирилмапти. Эртанги сабзавот етиштиришни кўпайтириш учун ер устига плёнка қоплаш имкониятларидан самарали фойдаланилмапти.

Мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка ҳажми, хиллари, сифати аҳоли талабларига тўла жавоб бермайдилар. Тайёрлов савдо ташкилотлари колхоз ва совхозлардан мева-сабзавот маҳсулотларини ўз вақтида қабул қилиб олиш ва уни аҳолига улуксиз реализация қилишни ҳамма ҳақ таъминлай олмаптилар. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш вақтида сифати бузилишига ва қўпобат бўлишига йўл қўйилмоқда. Хосилининг бир қисми, айниқса, эртанги ҳосилининг бир қисми ҳўжаликларда тўла қирим қилмаслик уларни гектарчилар томонидан чай

қон нархларида сотилиши каби салбий ҳодисалар тугатилган эмас.

Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини харири қилиш ва сифат давлат инспекциялари мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлашни ташкил этиш устидаги контроль қилиш масалалари билан етарлича шуғулланмаптилар.

Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот ҳўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалиги министрлиги, Тошкент область ва шаҳар ижроия комитетлари картошка, мева-сабзавот етиштириш, тайёрлаш, ташиш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилинишни моддий-техника базасини ривожлантириш юзасидан зарур чора-тадбирларни етарлича амалга оширмаптилар. Савдода илгор методларни суст жорий этинмайдилар. Қўшма ҳўжаликларда саралаш ва жойлаш пунктлари йўқ.

Республика Қурилиш министрликлари ва идоралари мева-сабзавот сақландиридан омонбарлар, теплица комбинатлари, мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналар ва идиш ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилиши планларини мунтазам бажармай келмоқдалар. Тошкентда ташкил этилган ихтисослаштирилган совхозлар қурилишида жиддий қозқилишга йўл қўйилмоқда, бу совхозларда барқарор меҳнат коллективлари барпо этилмаган ва кадрлар қўшимчаланигини қўплити сезилмоқда.

Ўзбекистон ССР Госплани, мева-сабзавот ҳўжалиги министрлиги, қишлоқ ҳўжалиги, тайёрлаш, савдо, қишлоқ қурилиши, мелiorация ва сув ҳўжалиги министрликлари, Госкомсельхозтехника, Госкомводострой, Ўзбекирлашув ва республиканин бошқа бир қанча министрликлари ва идоралари Тошкент аҳолисини картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари билан улуксиз таъминлаб туришнинг муҳимлигини тўла тўшуниб етмаптилар.

Тошкент область ва шаҳар партия комитетлари, Тошкент область ва шаҳар ижроия комитетлари шаҳарини зарур турларда ва юксак сифатли картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари билан улуксиз таъминлаш масалаларида партия, совет, қишлоқ ҳўжалик, тайёрлаш ва савдо ташкилотларига нисбатан етарли талабчанлик қилимаптилар.

(Давоми 3-бетда).

МАДАНИЯТ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАШУВИГА — ПАРТИЯ ҒАМХЎРЛИГИ

(Боши 1-бетда).

Бу ерда бадий ҳаваскорлик коллективларининг чиқишлари, «ГТО» нишонидан — олимпиада медалларига, «Бутун оила билан стадионга» сингари ва шунга ўхшаш бошқа оммавий спорт мусобақалари ҳақида муваффақият қозониб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси бирлашма меҳнаткашларига баркамол ва яхши кайфият бағишламоқда, бу оғирбат натижада уларнинг меҳнат активлигини оширмоқда, ишлаб чиқариш кўрсаткичларига иккуний таъсир қилмоқда.

Республика партия активни йиғилишида таъкидланганда, Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металл корбинати коллективни ҳамда Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш биросшаси, «Политотдел» колхозни, «Ғалабачи» хўжалиқларидан спорт клуби ва бошқа шунга ўхшаш корхоналар ва ташкилотларда маданий-маърифий ва спорт ишларини ривожлантиришга чукўр ўйлаб, партиявий ёндоқчилигини яхши тажрибаси тўпланган.

Тошкент шаҳри ва област маданий-маъриф муассасалари ва физкультура ташкилотлари қўлга киритган дипломлар ва фахрий Ерликлар, бутуниттифоқ ва республика мусобақаларида спортчиларимиз таъдирланган турли медаллар маданий-оммавий ва спорт ишлари ўсиб бораётганидан далолат беради. Бирок ёни эришилган натижаларни принципал, партиявий кўнган назардан баҳолашмаслик керак. Ҳеч қандай дипломлар ва соҳиблар, ҳисоблардаги салмоқли ракамлар, медалларнинг яилмаси ишмиздаги жиддий камчилиги ва нуқсонларни кўришга ҳалатири бермаслиги керак. Республика активида бизнинг шаймишга билдирилган ҳаққоний таъкиднинг тўла қабул қилиб, шунги яхши тушунамизки, область партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг қарори талабларига жавоб бериш учун маданий-маърифий ишларни яхшилаш йўлида кўп меҳнат қилишлари керак бўлади.

Авалло, маданият ва спортнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, ҳозир бизда мавжуд бўлган потенциалдан авайлаб, оқилона фойдаланиш зарур. Шунинг айтиш қийоқия, Тошкент области ҳар бир клуб муассасасига тўғри келадиган аҳоли сонин жиҳатидан республикада 8-ўринни, кутубхонага тўғри келадиган аҳоли сонин жиҳатидан эса республика областлари ўртасида охириги ўринни эгаллаб турибди. Облаstdаги ҳар бирида 500 нафардан ортиқ киши яшайдиган 365 та аҳоли пункти ўз клубига эга эса, 150 аҳоли пунктида эса кутубхона йўқ.

Клуб муассасаларининг қарийб 80 проценти ишлаш учун яроқсиз биноларда мурожа қилиб бўладими? Уларда тошхоналар учун заллар, қироатхоналар, тўғрақ ишлари олиб бориладиган хоналар йўқ. Клубларнинг 80 процентдан ортиги капитал ва жорий ремонтга муҳтож. Қиш вақтларида қишлоқдаги клубларнинг деярли ярми иситиш системаси йўқлиги учун ишламайди. Ёзда эса ҳодимлар қишлоқ хўжалик ишларига сафарбар этилганлиги боисидан ёпиқ бўлади.

Клубларимизнинг кўп вақт бўм-бўш турини тасодийфий эмас. Охангарондаги «Сантехлит» заводи, Олтинтопган кон бошқармаси, «Алтайлаксиниестрой» трести клубларига, Тошкентдаги «Коммунальник» клубига ва пойаблаш ишлаб чиқариш биросшаси клубига бир келган одам қайтиб кирамайди. Негаки, бу жойлар ифлос ва бефайз, аллақандай капитал ремонтга муҳтож.

Кўп сонли комиссиялар бундай ҳулосага бир неча бор келган бўлишига қарамай, эски тош, эски ҳаммомлигича қолмоқда. Область касаба соювлари Совети, тегишли тармоқ касаба союзлари область комитетлари, бу корхоналарнинг партия ташкилотлари томонидан клублар эҳтиёжларини ҳисобга олиш, уларда тегишли одамларни маънавий жиҳатдан бойитадиган жойга айланди.

Бизда кутубхоналарнинг моддий базаси ҳам ночор аҳолида. Биноларнинг 20 проценти қишги аварида қўлга тушибди, уларнинг қўли қишда истифодадан қилиниб, ремонтга муҳтож. Биргина Пискевич райониди Домжурон посёлка Советининг фаолиятисини тўғайлаш 5 та кутубхонадан 3 таси авария ҳолатида турибди ва улар ишламайди. 3 йилдирки, «Октябрь» область кутубхонаси китобхоналарни қабул қилолмайлти. Шу йилнинг февраль ойида область партия комитети кутубхонани вақтинча бошқа жойга ўтказиш ва янги бино қуриш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Бирок, Тошкент шаҳар икжроя комитети ва «Главлташкентстрой» бу қарорни бажаришни пайсалга солиб келмоқдалар.

Физкультура ва спорт со-

ҳасида ҳам аҳоли яхши эмас. Бу соҳада аҳолининг турли спорт иншоотларига эҳтиёжи ҳали қондирилган эмас.

Маданият ва спорт моддий базасини яхшилаш — пишиб етилган масала. Уни муваффақиятли ҳал қилиш учун планлаштириш органлари, маданият бошқармаси, касаба соювлари ва комсомол ташкилотлари, область спорт комитети ва бошқа ташкилотлар қатъий кўрсатишлари ва куч-гайратларини бир ерга жамлашлари керак. Маданий-оммавий ва спорт ишлари учун баазаларнинг аҳоли ва уларни ривожлантириш масалалари область, шаҳар ва район партия комитетларининг, халқ депутатлари маҳаллий Советларини икжроя комитетларининг доимий назорати остида туриши керак.

Марказлашган тарзда маблаг сарфлаш билан бирга маҳаллий ташаббусни ва ҳаётчи йўли билан иш олиб бориш соҳасида тўпланган тажрибани кенг ёйиш керак. Турар-жойлар ва микрорайонларни спорт иншоотларисиз қуриб фойдаланишга топиришдек, ҳануз давом этиб келаётган практикага қатъий чек қўйиш лозим.

Мавжуд маданият ва спорт базаларидан одамлар дам олишини ташкил этиш ва тарбиялашда фойдаланиш юзасидан кўпгина партия ва совет органлари, касаба союз, комсомол ва спорт ташкилотларининг иши жиддий танқид қилишга лойиқдир.

Мутахассисларнинг ҳисоб-ҳисоботибига қараганда область клуб муассасалари йил давомида бор-йўғи 112 марта банд бўлади ёни улардан учдан бир қисми фойдаланилади ҳолос. Бу биринчи таъкидланганда қишлоқ клубларини ҳамда Янгйўл Охангарон ва Бек-обод шаҳарлари клубларига тааллуқлидир.

Янгида ўтказилган тенгшув рейдлари шунини кўрсатдики, Оржоникидзе, Тошкент, Калинин, Бўка ва Чиноз районларининг клубларига асосий тадбирлар иш қилларида ўтказилар экан, дам олиш қуналари эса жуда оз тадбир белгиламар экан. Олмалик шаҳридаги «Спутник» маданият уйида 52 та дам олиш кўни мобайнида атиги 20 та тадбир ўтказилган. Янгйўл шаҳридаги маданият уйида эса ундан ҳам кам — 14 та тадбир бўлган.

Бирок бу ерда «биринчи» ўринни шубҳасиз Ангрн шаҳри маданий-маърифий муассасаларига бериш керак. Шанба кўни «Энергетик» клубида бор-йўғи бир одам қозониб бор эди. «Геолог» маданият уйи эса умуман қулфдонлиги эди. Меҳнаткашлар дам олишнинг бу хилда ташкил этиш ҳусусида Ангрн шаҳар партия комитети (секретари ўртос З. А. Ермолина) ва раис ўринбосари ўртоқ Б. А. Муравинский) қандай фикрда эканлигини биллишни истардик.

Клуб муассасаларидан фойдаланишда тор йдора-вий ёндоиш, маҳаллийчилик фактларига дуч келинмаётганлиги, бошқа маисадларда фойдаланилаётганлигини ҳам афсусланиб қайд этишга тўғри келади. Масалан, Ғалаба районидида «Ўзбекистон СОР беш йиллиги» соҳови ва Киров номили ўкув хўжалиги Оқкўрган районидида «Оқкўрган» совхозиди клуб биноларида пилла боқиланди. Калинин районидидаги «Машина» колхозининг раиси (ўртоқ Н. Саидов) эса колхоз клубини нартошга саклаш учун омор қилиб қўйган.

Паркент районидида «Гулбоғ», Бўка районидида «Гулистон» ва Охангарон районидида Бүдённий номи соҳоваларнинг автоклублари ҳам бошқа мақсадларда фойдаланилаётганлиги маълум. Паркент районидидаги «Коммуна» совхозининг автоклуби директор ўринбосари (ўртоқ Р. Комилдов) шахсий машина сифатида бириктириб қўйилган.

Айрим хўжалик раҳбарларининг маданият муассасаларига нисбатан бўлаётган муносабати кишини ажаблантиради. Янгйўл районидида Ленин номи колхоз маданият саройини мисол келтириш мумкин. У ҳамма вақт яхши ҳолда, озода сакланади. Ленин бу бинога колхоз правленисиз кириб олган. Хўжаликнинг етакчи мутахассислари шинаман хоналарни эгаллашган, маданий-оммавий ишларини ўтказиш учун жой борми? — деган савол тўғнади. Бор. У катта залдан иборат. Ленин бу хўжақўрсини-гагиндир. Колхозчилари бу ерга фақат байрамларига кира кириштилади. Залининг бирон жойини ишдан чиқариб қўйишмасмикин деган хавотир билан колхоз раиси Н. Авазов бу ерда ҳатто фильмлар кўрсатишини ҳам ман қилиб қўйган.

Худди қандай манзарани шу райондаги Ҳамроқул Турсунқулов номи колхоз, Оржоникидзе районидидаги «Қизил Ўзбекистон» ва Коммунистик районидидаги «Правда» колхози маданият саройларида ҳам қуриш мумкин.

Кўрсатилган районлар-

нинг партия комитетлари биринчи секретарлари Л. Ш. Аликулова, С. Д. Сайдалиев ва У. М. Мирзақулов ўртоқлар бундай аҳоли билан мурожа қилиб келишмоқда.

Область касаба соювлари Совети ва Фрунзе район партия комитети шаънига ҳам биз шундай таъналар билдиришга ҳақлимиз. Тўқимачилик маданият саройи кўп вақтлардан бўён яхши ном олиб келади. Бу ерда ўтказилган тадбирлар, иккуний студияларнинг, халқ театри, ансамблларнинг ишлари кўнларини ўзига жалб этади. Бирок сарой иккуний имкониятларини кенгайтиришга бинолар етишмаётганлиги кўп жихатдан ҳалатири бермоқда: бинонинг худдан бир қисминини тармоқ касаба союзлари область комитети эгаллаб олган. Бу ерда тартиб ўрнатиш вақти келган деб ўйлаймиз.

Биз спорт иншоотларидан ёмон фойдаланмоқдамиз. Облаstdа 63 та басын, 38 та стадион, 800 дан ортиқ турли спорт заллари бор. Бирок текширишлар шунини кўрсатдики, Тошкент шаҳрида ва область шаҳарларида, Охангарон, Бўстонлик, Тошкент, Пискевич, Оқкўрган ва бошқа бир қатор районларда кўпгина коллективлар мавжуд моддий-техника базасидан оқилона фойдаланишга эътибор бермайлти. Спорт иншоотларининг бир қисми ўз ҳолида ташлаб қўйилган, жиҳозлар ва ускуналар билан яхши таъминланмаган, аҳоли ўртасида физкультура-соғломлаштириш иши кўпича эътибордан четда қолдирилган.

Мисол учун Чиноз районидидаги стадионни олиб кўрайлик. Унинг қурилишида райондаги деярли ҳамма меҳнат коллективлари қатнашди. Уни минглаб сўн маблаг сарфланди. Стадионда футбол майдони, спортнинг ўзини турлари бўйича бир неча спорт майдончалари бор, секциялар ишлаш учун минбарлар тағида бинолар қурилган, кийининг-ечинини хоналари ва душхона бор.

Бирок, 4 та спорт секциясида ва 2 та соғломлаштириш гуруҳида бу ерда атиги 90 киши шугулланган. Спорт комплекси халтача кимта қарашлиги номулум. У шунинг учун яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда. Ўтуланлар ўсиб ётибди. Бу ерда оммавий-спорт тадбирлари ўтказилмайди. Фақат ойига бир-икки марта футбол ўйинигагина бўлади. Бу ўйинларга ҳам бир неча ўн томошбон келади ҳолос. Ҳозир эса бу ҳам йўқ, негаки турли жойлардан олиб келинган ўйинчилардан ташкил топган маҳаллий футбол командаси тарқалиб кетган.

Агар бадий ҳаваскорликда район аҳолисининг атиги 1,5 проценти қатнашганлигини ҳисобга олинадиган бўлса, райондаги аҳоли умуман ночор деб ҳулоса чиқариш мумкин.

Шундай бўлгандан сўнг районда ҳукў-тартибларни бузиш, шу кўмудан жиддий жашновлар содир бўлишга ажабланмаса ҳам бўлади.

Район партия комитети (биринчи секретари ўртоқ В. Г. Гришук) ва район икжроя комитети (раиси ўртоқ М. Абдукаримов) бу танқиддан жиддий ҳулоса чиқариб олишлари керак.

Бошқа бир қатор объектиларда ҳам аҳоли яхши эмас. Масалан, Коммунистик районидида Свердлов номи колхоз стадионини кўрсатиш мумкин. Бир вақтлар бу ерда спорт ҳаёти ниҳонда қизган бўлиди. Колхознинг ўз футбол командаси бор эди, кураш, оғир атлетика, бокс, велоспорт билан шугуллангиларди. Ленин булар ҳаммаси ўтмиш бўлиб қолди. Ҳозир эса стадион ҳувилаб ётибди. Бўм-бўш қолган трибуналар остидаги биноларга колхоз раиси ўртоқ Н. Ц. Цой тўқиз колхоз оиласини қўйиририб келди. Бу оилалар беш йилдан бўён шу ерда антисанитария шароитида яшамондалар.

Колхоз раиси ўзгаргандан сўнг аҳоли шундай бўлиб қолди, дейишмоқда колхозчилар. Раис ўзгарган экан ҳуш, колхоз партия ташкилоти қайда эди, Коммунистик район партия комитети нима учун колхоз раҳбарларининг ҳатосини тўзатмади?

Тошкент шаҳар спорт базаларида физкультура ва оммавий спорт ишларини ташкил этишда кўпгина жиддий нуқсонлар бор. Бунинг учун биз республика активи йиғилишида жиддий танқид қилиндики. Биринчи уйсозлик комбинати саломатлик шаҳарчаси кўнига 300 кишини қабул қила олади. Бирок, текширув ўтказилган кун бу ерда бор-йўғи 16 киши шугулланаётган эди. Саломатлик шаҳарчаси доим ҳувилаб туради. Рейд бригадаси 153-қурилиш трести стадионда ҳам бирон-бир машғулот ўтказмаётганлиги изини топмади.

Область шаҳарларидаги стадионлар иш вақтининг атиги 45—55 процентидагина банд бўлади. Бунда улар прокат пунктлари билан таъминланмаганлар, бу ерда кишини-ечинини хоналари ва душхоналар етишмайди, югуриш йўлаклари ва енгил атлетика секторлари реконструкцияга муҳтож, баъзи жойларни эса пошмиланч ремонтдан чиқариш керак.

Шанба ва якшанба кун-

лари улар деярли бўм-бўш туради. Кейинги вақтларга Чирчиқ, Ангрн, Охангарон, Бекобод спорт иншоотларида яқшанба кунлари секциялар иши ва спорт машғулотларини ўтказиш ҳатто планлаштирилмаган эди.

Айрим спорт иншоотлари Ҳозир ҳўжасиз бўлиб қолганлиги ва қаровсиз аҳолига тушиб қолаётганлиги жиддий таъкид тўғрисида. Баҳолашқини, уларнинг қурилишига озмунча куч ва маблаг сарфланмаган эди. Пискевич Коммунистик районларидида стадионлар шу ҳолда туриб қолди. Албатта, стадионини битта хўжалик ўз баласини ўтказишни қийин. Ленин бу ерда кучларни бириштириш мумкин-ку. Бизда ахир хўжалиқларидан спорт клублари ташкил этиш борасида дугар топ тақрибга бор. Масалан, Ғалаба райониди шундай қилинади.

Спорт иншоотларидан фойдаланишда тар маҳнамачилик қўришчиларига қарши кескин курашиш керак. Бу иншоотларнинг ҳар бири халқнинг пулига қурилганлиги ва биносини халқга хизмат қилиши лозимлигини тушуниб етилиши керак. КПСС Марказий Комитетининг қароридида таъкидлангандек, спорт, касаба союз, комсомол ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари барча спорт иншоотлари имкони борида доим банд бўлишини, улар мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юртлари талабалари учун бепул фойдаланишга, олий ўқув юртлари студентлари учун эса белгиланган аренда ҳақининг ярмига бериб қўйилишини таъминлашлари керак.

Маданият ва спорт объектиларини ишини тубдан қайта қуриш учун ҳеч кимни қизқиртирмайдиган эски усуллардан бутунлай воз кечиш, энг муҳими эса ташаббус қўрсатиб, иккуний изланиб, ишлаш керак. Маданият саройларини, клуб, кутубхона, бокс, спорт иншоотларини кенг қўмуданги тадбирлар марказига айлантириш зарур. Ана шунда одамлар маданият уйларига, библиотека ва стадионларга мунтазам қатнайдиган бўладилар.

Изланишлар, янгиланиш илғай билиш ва тўғри тушуниш, унга ишчанлик билан ёндоиш нимадир берилишини Олмалик кон-металлургия комбинатининг маданият саройи иш таърибаси яққол қўрсатиб таъкидди. Бу ерда дам олиш, ҳордиқ чиқаришни ушотиришда турли категориядаги аҳолининг қизқинчилиги, талаб ва истаклари ҳисобга олинади. Маданият саройига келган киши ўзи севган машғулотни топ олади. Бу ерда 20 турдан ортиқ ишчибозлар биришмалари ташкил этилган. Итмайлангилар жамияти ва ветеранлар клуби мавжуд. Турли тўғрақлар ишлаб турибди. Шуниси диққатга سازоворик маданий-оммавий ишлар фақат маданият саройидигина эмас, бевосита корхона пехларида, турар-жойларда ҳам давом этади. Бу ерларда бадий ҳаваскорлик коллективларининг ишлари, лекция-сўхбатлар одат тусига кириб қолди.

Бунда маданият саройининг директори Вера Николаевна Наймушанининг хизматлари каттадир. У доимо иккуний изланади, янгиланлар топади ва шу йўл билан бутун коллективини хайрли ишга жалб этади.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, маданият ва спорт органлари бундай илгор тажрибани пухта ўрганиб, ҳамма ерда қўлланлиши зарур.

Бизнинг маданият саройларимиз, клубларимиз халқ университетлари, ишчибозлик биришмалари, кино ва фотостудиялар, ҳаваскорлик театрлари тармоқларини кенгайтириш ва улар ишини янада жонлантириш имкониятига эгадирлар, снсий баҳслашувлар, иккуний баҳс-мунозаралар учрашув, лекция, халқ сайлари, театрлаштирилган чиқишлар ҳар бир маданият муассасаси фаолиятидан чукўр жой олиши керак.

Ранг-баранг, маъмули ҳордиқ социалистик турмуш тарзининг қарор топишига ёрдам бериши, эскириб қолган урф-одатларни тўғатишга қўмақчилигини, янгича совет расм-русумларининг қарор топиш учун хизмат қилиши лозим.

Ҳамма ерда шу йил апрел ойида Тошкент шаҳрида совет байрамлари ва мисиримларнинг тарбиявий ролини оширишга бағишлаб ўтказилган Бутуниттифоқ семинари кенгайтириш таъсияларини бажариш юзасидан актив ва аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш талаб этилади. Бу ишда илгор анъаналарни, маросим ва урф-одатларни қарор топириш ва ривожлантиришни тартибот қилиш асосида совет турмуш тарзини такомиллаштириш республика Советини тузиш, шунингдек республикада Хотира кўнини белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Худди шундай советлар шаҳар партия комитетлари, район партия комитетлари, корхона ва ташкилотларда, турар-жойларда ҳам яқин вақт ичиди тузилиши керак. Бу советлар бизнинг тарбиявий ишмизини марказлаштиришга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорла-

рини бажаришга қаратилган бутун иш самарасини оширишга, социал адолатнинг бузилишига, порахўрлик, талон-тароқлик, социалистик мулкка қўз олайириш, миллий анъана баҳонасида диний маросимлар таъсирида аҳолини заҳарлаш каби норуни ҳатти-ҳаракатларга қарши актив кураш олиб боришга даъват этилганлар.

Бундай советлар ичкилик-бозлик ва алкоғолизм каби ижтимоий иллатни тағ-томири билан йўқотишда ҳам муҳим роль ўйнаш шубҳасиздир. Ҳозир спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи магазинлар сонин кескин камайди. Июнь ойининг ўзиди спиртли ичимликлар ўтган йилдаги нисбатан 23 миллион сўмлик кам сотилди. Мастлик оқибатида содир бўладиган жиноят 38 процентга камайди. Аммо бу катта ва маънақатли ишнинг бошланлиш ҳолос. Ичкиликбозлик қарши кураш оммавий, ҳужумкор тус олиши керак. Бунинг учун эса маданий-маърифий ва физик-тура-соғломлаштириш ишларининг ҳамма воситалари билан фойдаланиш, лекция ва сўхбатлар, врач-наркологлар, юристлар билан учрашувлар ўтказиш, итмайлангилар, клубларини ташкил этиш, спиртли ичимликсиз ўтаётган байрам ва маросимларни бутун қоралар билан кенг пропаганда қилиш керак.

Биринчи марта маош олиб уни «ювншга» ҳаракат қилаётган кўпгина ёшларимиз ҳаётида кўнгилсиз воқеаларнинг содир бўлаётганлигини ҳаммамиз биламиз. «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш биросшасида эса бундай зарарли анъана ўрнига «биринчи маош байрами»ни жорий этилди. Энди бу ерда йигит-қизларга уларнинг биринчи маошини конвертта солинган ҳолда тантанали равишда топиш қилинмоқда. Мастер ёни мураббий ўз шогирдининг даст-қайди меҳнат қадамлари ҳақида ҳикоя қилади, табрик сўзлари, музика, қўшиқ янграйди. Биринчи маош олишдек оддийгина воқеа шу тартибда ишчан байрам тусини олади, ёни меҳнатқў ҳаётида бир умрга ўчмас из қолдиради.

Ёшлар ўртасидаги маданий-маърифий ва спорт ишлари тартибига, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг доимий ғамхўрлиги остида бўлиши керак. Мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари, олий ўқув юртлари ва техникумлар, ёшларнинг ётхоналари уларнинг доим диққат эътиборларида бўлиши лозим. Кўпчилиги ёшлардан иборат бўлган зарбдор қурилиш объектиларига маданий хизмат кўрсатишини эсдан чиқариб бўлмайди.

Янги Ангрн ГРЭСи қурилишида ишлаётган 5 минг кишининг асосий қисми комсомол ёшдаги йигит-қизлардир. Смена тўғати билан ёшлар олдиди шундай савол қўндаланг бўлиб қолади — энди қаерга бориш керак? Бу ерда клуб йўқ, агитмайдонлар, оддий спорт иншоотлари ҳам жиҳозланмаган.

Бундай шароит билан саёқ юришга ва ичкиликбозликка одатланиш ораси бир қадам. Қурилишларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари, шунингдек, область комсомол комитети (секретари М. М. Махмудов) энди ёш курувчиларнинг дам олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш бериш тўғрисида қайғурсалар бўладир.

Аҳолининг дам олишини оқилона ташкил этишда кино ҳам кенг имкониятларга эгадир. Бирок, бу имкониятдан тўла фойдаланилмайлти. Облаstdинг 500 дан ортиқ киши яшайдиган 220 та аҳоли пунктида кино кўрсатиладиган жой йўқ. Кино қурилмалар сонин жиҳатидан областимиз республиканинг ўртасида кўндаланганди. Калинин ва Пискевич районларидаги аҳоли айниқса ёмон. Ўн минглаб кишилар замонавий кино санъатининг энг яхши асарларини томоша қилиш имкониятига эга эмаслар. Область кинолаштириш бошқармаси (бошлиги Қ. Ҳ. Дошироов) маҳаллий партия ва совет органлари бу муаммони ҳал этишда қатъийлик, ташаббус ва энг муҳими чинакам иштиёқ кўрсатишлари керак.

Тошкент ва область кинолаштириш бошқармаларига кинофильмлар репертуари масаласида катта эътирозлар бор. Коммунистик тарбия ва зифасига алоқаси бўлмаган фильмларнинг йиллаб экранлардан тушмаслигини қандай баҳолаш керак. Мисол учун «Динозавр ҳақида афсона», «Америкага ўғирлаш», «Чангалоорлар қирол», «Африкалик» каби фильмлар келтириш қийоқ. Коммерция киноси қонунари йўли билан суратга олинган бу фильмлар томошбонининг оғи ва қалбига ҳеч нарсасида бўлмади. Аксинча, совет киноси яратган энг яхши фильмлар баъзан бир-икки марта намоиш қилинмоқда, эътиборсиз қолади. Янгида грузин кинематографчиларининг «Мовий тоғлар» фильми СССР Давлат мукофотига тақдим этилди. Шундай фильм Тошкентнинг чеккалариди акитигагина кинотеатрда бор-йўғи бир қундангина намоиш этилди ҳолос. «Қироқ», «Ҳарбий-дала романи», «Европа воқеаси» каби ғойий-бадий жиҳатдан қизқарли фильмлар томо-

шабиларнинг эътиборидан четда қолди.

Октябрда «Ўзбекфильм» студиясининг «Алино, яшил ёш» деб номланган янги лентаси экранларга чиқарилади. СССР Давлат мукофотининг лауреати Элёр Ёшмухамедовнинг бу янги лентасини киночиларимиз республика кўринишига яхши тайёрлайдилар деб ишонч билдиришни истардик.

Кинолекторийлар, адабий кечалар, баҳслар ва томошалар билан ўтказилганда бошқа қилган тадбирлар формасини ушотиришда кино залларидан янада кенгроқ фойдаланиш зарур. Биз маданият ва истироҳат боғлари фаолиятини яхшилаш билан жиҳодкор шугулланганимиз керак. Ҳозир уларнинг жуда оз қисминига ўз вазифасини бажаряпти ҳолос. Республика активи йиғилишида таъкидлангандек бир қатор боғлар ташландиқ бўлиб ётибди, бу ерга таширф бурюрувчилар яхши ҳордиқ чиқарамайдилар. Кўпича боғларнинг территориясига ташкилотлар жойлаштирилди. Ҳолбуки бу ташкилотлар кишиларнинг дам олиш масаласига мутлақо алоқадор эмаслар. Масалан, Тошкентнинг марказида жойлашган М. Горький номи маданият ва истироҳат боғи турли хил омборхоналар, умумий овқатланиш жойлари, чойхоналар билан тўлиб кетган. «Баҳор» ресторани ҳам шу ерда жойлашган.

Боғларда салгин ичимликлар, музайомқлар билан савдо қилиш яхши ушотирилмаган. Маданий ҳордиқнинг айниқса, болаларга аталган турлари жуда кам, оддий спорт иншоотлари ҳам йўқ, физик-тура ишлари суст олиб борилади. Ҳолбуки, бу масала янги эмас. Бундан бир неча йил илгари «Советская культура» газетаси маданият ва истироҳат боғларининг ҳолати ва бу ердаги ишларни кескин танқид қилган эди.

Область икжроя комитети ва Тошкент шаҳар икжроя комитети маданият бошқармалари партия ва совет органлари ёрдами билан, СССР Министрлар Советининг «Маданият ва истироҳат боғлари тармоқларини янада кенгайтириш ва моддий техника базасини мустаҳкамлаш чоралари тўғрисидаги қарорига таянган ҳолда боғларнинг моддий базасини анча яхшилашлари, улар ишини тубдан қайта қуришлари керак.

Турар-жойларда маданий спорт ишларини ушотиришда ҳам ҳал қилинмаган муаммолар жуда кўп. Педагог-ташкилотчилар, жамоатчилик советлари, район Советлари икжроя комитетлари ва маҳалла комитетлари, область ҳамда Тошкент шаҳар коммунал хўжалигининг маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш бўлимлари ишлари марказлаштириш суст амалга оширилмайлти. Оддий спорт иншоотлари, агитмайдонлар, соғломлаштириш шаҳарчалари етишмайди. Борлари эса ташлаб қўйилган. Бу муаммоларнинг ҳаммаси ҳал бўладиган муаммолардир. Фақат партия комитетлари кенг активга таянган ҳолда бу ишларга сиқидилган киришиш керак ҳолос.

Масалан, чойхонани мисолга олиб кўрайлик. Кексалардан сўрасангиз, бир вақтларда Қизил чойхоналар идеологик ва маданий-маърифий ишларнинг бош маркази бўлганлигини айтишди. Ҳаммаки қизинтирувчи масалалар бўйича баҳслашувлар, халқор мавзулардаги лекция ва сўхбатлар, атеистик пропаганда, халқ севган санъаткорларнинг концертлари ҳамда улар билан учрашувлар ана шундай чойхоналарда ўтказиларди. Ҳозир областдаги мавжуд 150 та чойхонадан сал кўпроғи маданий-оммавий клубларга ўтказишга ярайди.

Нима учун партия комитетлари пропаганда ишларини олиб боришда чойхоналарни четлаб ўт

